

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ESHITDINGIZMI?

### ФАРФОНАДА

“ЁШ ТАДБИРКОРЛАР” КЎЧАСИ ПАЙДО БЎЛАДИ



Ташаббус Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгашига тегишли. Янги ном Риштон туманига кириш қисмида Бағдод туманигача бўлган марказий

кўча учун танланди. Келгусида бу ерда “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-маркази ҳамда “Yoshlar mehnat guzari” ни қуриш режалаштирилган.

### ХАЙРИХОҲЛАР ТОПИЛДИ

Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳамда испаниялик мутахассислар Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда “Ипак йули” туризм халқаро университети

ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади. Узро ҳамкорлик доирасида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, малакали педагог кадрлар захирасини тайёрлаш кўзда тутилган.



### АФФОНИСТОНГА КИТОБЛАР ЕТКАЗИЛДИ



Йигирма номдаги ўзбек тили ва адабиети дарсликлари, ўқув кўланмалар, шунингдек, қўшимча адабиётларнинг

электрон шакллари қалбда китоб ва кино орасидаги тафовутни моҳирона топиш, классик асарга ва китобхон этиқолига зарар етказиб қўямаслик масъулияти турибди. Шунингдек, ижодий гуруҳ М.Матчинов, Б.Йулдошев, А.Ражабов, У.Қоидоров сингари тажрибали актёрлар билан бирга, асосан ёшлардан таркиб топгани ҳам масъулиятни икки хисса оширади. Албатта, китобхон, кино муҳлиси ва киношунос мутахассислар “Сарвиқомат дилбарим”нинг замонавий талқинини илк бор яратганимизни эътиборга олишда, деб умид қиламан.

Ўз ахборотимиз.

## QAROR VA IJRO

### БУЮК АДИБ ЮБИЛЕЙИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Мамлакатимизда умумбашари кадрлар куйчиси сифатида эътироф этилган Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

Президентимизнинг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк адибнинг “Сарвиқомат дилбарим” қиссаси асосида суратга олинган бадиий фильм шулар жумласидандир.

“Ўзбекино” миллий агентлиги буржотмаси асосида “Ёшлар ижодий тажриба студияси” томонидан экранлаштирилган мажмура фильм Тошкент ва Наманган

вилоятлари, шунингдек, қисман Қирғизистон Республикаси ҳудудида тасвирга олинмоқда.

Биз ижодий жараён билан танишиш мақсадида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Мамай қишлоғида, фильмнинг сўнгги эпизодлари тасвирга туширилаётган суратга олиш майдонида бўлиб, кино ижодкорлари билан суҳбатлашдик.

— “Сарвиқомат дилбарим” мен кўл урган илк жиддий ва драматик асар, — дейди истеъдодли ёш режиссёр Сарвар Каримов. — Айни пайтга қаар Худойберди Тўхтабоев асари асосида болаларга мўлжалланган “Сариқ девни миниб”, “Сеҳри қалпоқча” каби комедия жанридаги фильмларни суратга олганман. “Сарвиқомат дилбарим” эса, жанр нуқтани назардан режиссёрдан алоҳида

масъулият талаб қилади. Чунки, бу асар кўп тилларга таржима қилинган, миллионлаб китобхонлар ўқиган. Демак, зиммамизда Чингиз Айтматов қаҳрамонлари яшаб келаётган муҳлис қалбда китоб ва кино орасидаги тафовутни моҳирона топиш, классик асарга ва китобхон этиқолига зарар етказиб қўямаслик масъулияти турибди. Шунингдек, ижодий гуруҳ М.Матчинов, Б.Йулдошев, А.Ражабов, У.Қоидоров сингари тажрибали актёрлар билан бирга, асосан ёшлардан таркиб топгани ҳам масъулиятни икки хисса оширади. Албатта, китобхон, кино муҳлиси ва киношунос мутахассислар “Сарвиқомат дилбарим”нинг замонавий талқинини илк бор яратганимизни эътиборга олишда, деб умид қиламан.

(Давоми 2-саҳифада)

## DOLZARB MAVZU

### УМУМИЙ ҲАРАКАТГА ҚЎЛ УРИЛДИ



Тошкент шаҳрида “Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграциянинг зарарли оқибатларидан болаларни ҳимоя қилиш” халқаро лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар қатнашди. Янги лойиҳани дунёнинг саккизта мамлакатлари, шу жумладан,

Ўзбекистонда ҳам амалга ошириш кўзда тутилгани айтилди.

— Ишонманки, умумий саъй-ҳаракат билан муҳожирачиларнинг фарзандлари ҳимоясини ҳам ўз ичига оладиган барқарор сиёсатни таъминлай оламиз, — дейди бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева. — 2020 йилнинг охиригача халқаро лойиҳа доирасида Бухоро, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида турли тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Н.МЕЛИБАЕВА

## “YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI — AMALDA

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

### ЎРГАНИШДАН ЎЗГАРИШ САРИ

Жорий йилнинг 27 июнида давлатимиз раҳбари

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармонни имзолаган эди.



Ортимиз ёшларининг эртанги кунни, келажак фарвон бўлишига хизмат қилувчи ушбу тарихий ҳужжатда келажак эгаларининг бизнес ташаббуслари, лойиҳа ва фойдаларини қўллаб-қувватлаш ва рўйбга чиқаришда кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Бу эса, эндиликда давлат ва нодавлат ташкилотлари ёшлар масаласи билан шуғулланишга янада кўп куч ва сармоя сарфлаши кераклигини аниқлади. “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ҳақида йигит-қизларни кенгроқ хабардор этиш, уларнинг ижтимоий кайфиятини ўрганиб, муаммоларини ҳал этиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатяпти.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзолари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Мутасаддилар хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан учрашди. Юзма-юз мулоқотлар чоғида

аксарият ёшлар ўз бизнесини бошлаш истагида экани, бунинг учун ҳатто истиқболли лойиҳалари ҳам борлиги аён бўлди. Қорақалпоқ ёшлари ўзлари кўтараётган муаммолар ечими юзасидан жўяли таклиф бера олаётгани, айниқса, қувонарли ҳоллар.

Қўнғирот туманида ташкил этилган учрашувда тadbirkorлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 12 нафар тенгдошимизнинг бизнес лойиҳалари маълумланди. Масалан, Илҳом Даўлетмуратов сифатли мебеллар ишлаб чиқаришни хоҳлайди. Бироқ керакли хомашён сотиб олишга маблағи йўқ. Ишчи гуруҳи шу дўстимизга 50 миллион сўм имтиёзли кредит олишда ёрдамлашадиган бўлди. Шу билан бирга, Илҳомга Навоий вилоятидаги йирик корхоналардан бирига тажриба алмашиш учун йўланма берилди.

Бундан ташқари, туман ёшларининг талаб-истакларига биноан, Иттифоқнинг маҳаллий кенгашига 10 та тикув машинаси ҳамда Ёшлар кутубхонаси учун 500 та китоб ажратилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари

Шуманай туманида ўтказилган тadbirkorлар ва хунармандлар ярмаркаси билан ҳам танишиб, ёш тadbirkorлар билан очик мулоқот ўтказди. Ёш хунарманд Алтинай Наубетовага “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан учта тикув машинаси берилиб, “Мард ўғон” давлат мукофоти соҳиби, “Комсервис Шуманай” хусусий корхонаси директори Сабур Сағатовга туман марказида интернет-клуб очиш учун 25 миллион сўм миқдорда кредит ажратиладиган бўлди. Шунингдек, Давлат маслаҳатчиси ички туризмни ривожлантириш мақсадида туман сардорларига Самарқанд шаҳрига уч кунлик саёхатни тўхфа этди.

Амударё туманидаги ўрганишлар чоғида кўплаб йигит-қизлар тadbirkorлик фаолиятини бошлаш учун ер ва кредит олиш борасида ишчи гуруҳидан ёрдам сўради. “Yuksalish broker service” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ойбек Ёшанов шулар сирасида. У “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури билан танишган, ҳужжат доирасида кўзда тутилган имтиёزلардан оқилона фойдаланган

ҳолда “Yoshlar mehnat guzari” мажмуасини қуриш ташаббусини билдиради. Тadbirkorнинг таклифи шу заҳоти қўллаб-қувватланди. Яна бир ёш тadbirkor Аббас Жаббарбергеновга “Yoshlar mehnat guzari” мажмуаси, қолаверса, “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказини барпо этиш учун ер ажратишга келишилди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари Мўйноқ туманидаги ёшлар, хусусан, уларнинг уюшмаган қатлами билан учрашганида иштирокчилар асосан иссиқхона ташкил қилиш, нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маиший техника хизматлари кўрсатиш, кутубхона фаолиятини йўлга қўйиш борасида бизнес лойиҳаларини тақдим этди.

14 нафарга жами 1 миллиард 825 миллион сўмлик кредит ажратишга қарор қилинди. Туман Ёшлар марказига эса, учта тикув машинаси, шунча компьютер ва бошқа техник жиҳозлар, колле спорт зали учун зарур инвентарлар олиб берилди.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурида иш билан банд бўлмаган ёшлар

яшайдиган уй ҳужаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та кичкина ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда боқиб ва реализация қилишда кўмаклашиш белгиланган. Шунга қўра, ўрганишлар давомида чорвачилик билан шуғулланиш учун ёрдам сўраган ҳўжайилик Жавлон Каримбоевга имтиёзли кредит асосида иккита зотдор қорамол олиш имкони яратилди.

Айтиш керак, ўрганишлар давомида наврасталарнинг биронта ҳам мурожати, фикр ёки таклифи эътибордан четда қолаётгани йўқ.

\*\*\* Қорақалпоғистондаги ўрганишлар давомида республика ишчи гуруҳи аъзолари “Ёш китобхон” танловининг саралаш босқичлари ўтказиладиган объектиларни, уларда яратилган шaroитларни кўздан кечирди. Нуфузли ва аҳамиятли беллашув иштирокчилари ҳамда уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиниб, иллагаи гаплари тингланди.

(Давоми 2-саҳифада)

### БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР БЎШ ЎТИРГАНИ ЙЎҚ



2

### ЗОМИНДА ЖЎШ УРДИ ИЛҲОМ БУЛОҒИ...



3

### “ОТА КЎРДИ”ДАН КИМ НАФ КЎРАДИ?



4

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ЯПОН ЭКСПЕРТЛАРИ  
ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗГА  
БАҲО БЕРДИ

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва илҳом тарққити таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси хоризжий мамлакатлар эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Япониядаги Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқот институти ижрочи директори Тешуэи Танака мазкур халқаро ҳужжат минтақавий мамлакатлари сайёҳаракатларини бирлаштириш, барча соҳаларда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини айтган. Эксперт Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларининг ўрнатилганини Президент Шавкат

Мирзиёев ташқи сиёсатда эришган асосий ютуқлардан бири сифатида эътироф этди. Токиодаги Шарқий Осиё Стратегик маркази мутахассиси Киёиши Такагининг сўзларига қараганда, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсатидаги жўрталли одимлари халқаро майдонда жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Расмий Тошкентнинг бундай ташаббускорлиги минтақавий ҳамкорликда янги даврни бошлаб бермоқда.

"SOCIETY"  
МАХСУС СОН ЧИҚАРДИ

Австриядаги машҳур журналнинг Ўзбекистонга бағишланган сони шу мамлакатдаги элчиҳонамиз кўмаги билан тайёрланган.

Нашрининг "Ўзбекистон — Ипак йўли гавҳари" деб номланган йигирма саҳифадан иборат махсус бўлимидан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришининг Ҳаракатлар стратегияси, ҳалқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, сайёҳлик салоҳияти ва бошқа

соҳалардаги имкониятлари ҳақидаги материаллар ўрин олган. Бундан ташқари, "Society" саҳифаларида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳакимов, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Б.Шариповнинг интервьюларини ўқиш мумкин.

ЖАҲОН БАНКИ  
ЭЪТИБОРИГА ТУШДИК

Йирик халқаро молиявий муассасанинг интернет порталида "Uzbekistan: Voices of Hope" ("Ўзбекистон: умид саолари") номли видеоларга жойлаштирилди.

Унда мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар динамикаси мустақил журналистлар, тадбиркорлар, шунингдек, юртимиздаги академик доиралар вакиллари фикр-мулоҳазалари билан қорғиш ҳолда кўрсатилган. "Ўзбекистон валюта бозорини либераллаштириш, савдо ва инвестициявий тўсиқларни

бартараф этиш, хусусий сектор сармояларини жалб қилиб, экспортни олға суриш орқали иқтисодий ва маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган танлов жорий йилдан бошлаб уч ёш тоифасида ўтказилмоқда. Унда қатнашиш истагини билдирганлар сони 720 мингдан ошди. Билимлар баҳсини юқори савияда ўтиши учун ҳудудларда энг замонавий ва кўркам бинолар — олий ўқув юрталари, ахборот ресурслари марказлари, касб-ҳунар коллежлари танланди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар, фан арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъатлари шакллантирилди. Бу йилги танлов давомида аллоамалар меросини қучур ўрганганлар учун алоҳида номинациялар ҳам таъсис этилган. Иштирокчиларга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Берақ сингари буюк мутафаккирлар ижоди ва фаложияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алпомиш", "Гуруғли", "Кунтуғмиш" каби халқ достонлари юзасидан саволлар берилди.

"TIMES KUWAIT" ДАН  
ЯНГИ МАҚОЛА

Ал-Кувайтдаги энг оммабоп нашрлардан бири навбатдаги сонда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақолани чоп этди.

Материалда Ўзбекистон ҳудудида турли давр ва тамадунларга оид 7 мингдан зиёд тарихий ёдгорликлар мавжудлиги, айримлари ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилгани, хоризжий сайёҳлар учун машҳур йўналишлар сирасига кирувчи Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларининг тарихи

ва ўзига хослиги ҳақида маълумот берилган. Таъкидланганидек, юртимизда "Hyatt Regency", "Ramada" каби кўплаб ҳашаматли меҳмонхоналар барпо этилган. Республика аэропортларининг 11 таси халқаро мақомга эга бўлиб, бутун дунё сайёҳларини юқори даражада қабул қила олади.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.

АНЖУМАН  
ИМТИЁЗЛАР КЎПАЙГАН

Ҳасан УСМОНОВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзолари учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар бўйича матбуот анжумани ўтказилди. Унда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Молия вазирликлари, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этди.



Муаллиф олган сурат

Мудофаа вазирининг ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, полковник Азизбек Икромов Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тўхтади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Бу борада йилнинг бошқа иштирокчилари ҳам фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Қарорда айтилишича,

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган ёки шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирилик ҳақида идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида белгиланган қабул квотасидан ташқари олий таълим муассасаларининг бакалавриятига давлат гранти асосида, тест синовизис ўқишга қабул қилинади. Тавсияномалардан кўпи билан уч йил муддатга фойдаланиш мумкин. Тадбирда давлатимиз томонидан соҳа ходимларига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик миллий армиямиз мустақамлигини таъминлашга хизмат қилишига умид билдирилди. Яқинда мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб берди.

TASHABBUS  
БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР  
БЎШ ЎТИРГАНИ ЙЎҚ

Санжар ЭШМУРОДОВ

Бир пайтлар бетоб бўлиб қолсак, касалхонага югуриб, вақти зиқ шифокорларнинг йўлини пойлардик. Ҳозир эса, ўша дўхтирларнинг ўзи бемор саломати ҳақида қайғуряпти. Оёқ-қўли чаққон патронаж ҳамшираларининг хонадонма-хонадон юриб, аҳоли ҳолидан хабар олаётгани сўзимиз исботидаир.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти талаба-ёшлари ҳам шундай ташаббусга қўл уради. Улар устозлари билан бирга хастахол, жисмоний имконияти чекланган, руҳий тушкунликка тушиб қолган инсонларни йўқлаб турибди. Кайфиятини кўтариб, керакли тавсиялар берапти. Кўни кеча бир гуруҳ йигит-қизлар Юнусобод туманидаги "Увайсий" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Даставвал икки нафар жисмоний имконияти чекланган фарзандни тарбиялаётган Нарғиза Баҳодирова хонадонига таширф

бўрилди. Оиланинг яшаш шароитини кўриб, юрагингиз эзилди. Кўп қаватли уйдаги хонадонда учта оила, ўн икки жон истиқомат қилар экан. Катақалдек хона Нарғиза опа, турмуш ўртоғи ва фарзандларига ажратилган. — Ошхона, ювиниш хоналаридан навбати билан фойдаланамиз, — дейди аёл. — Албатта, бу жуда ноқулай. Тегишли ташкилотларга уй масаласида кўп мурожаат қилдик. Аммо ҳа- нузгача аниқ жавоб айтмай, ишни пайсалга солимаяпти. Мулоқот давомида талабалар болаларни тиббий текширувдан ўтказиб, сало-



Муаллиф олган сурат

матлигини тиклаш юзасидан маслаҳатлар берди. Йўлда давом этдик. Оқ халати талабаларни кўриб, "Сизлар шифокорсизми?" — деб сўради бир қизалоқ. Сўнг бувисининг тоби қочганини айтиб, текшириб қўйишини илтимос қилди. Хонадон соҳибаси Гулбаҳор Рихсиева бизни очик чехра билан кутиб олди. Талабалар онахоннинг қон босими кўтарилганини аниқлади. Бу ҳолат тез-тез такрорланишини пайқагач, унинг сабаби билан қизиқди. — Бир йил олдин куёвим, турмуш ўртоғим ва қизимдан айрилиб қолдим, — дейди кўзига ёш олиб Гулбаҳор опа. — Бу жудолук қаттиқ таъсир қилди. Шундан бери бошим касалдан чиқмайди. Аммо мудом тетик бў-

лишга ҳаракат қиламан. Чунки қизимнинг уч нафар фарзандини тарбиялаб, вояга етказишим керак. Яширмайман, осон бўлмаяпти. Нафақам ўзимдан ортмайди. Яхшиямки, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй бор. Оғиримни енгил қилаяпти. Ташаббускор ёшлар кунора хабар олиб туради. Уларсиз ҳолим не кечиши- ни тасаввур ҳам қилолмайман. Сўхбат асносида аянинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилдик. Набираларига иқбол тиладик. Кун давомида йигит-қизлар яна бир нечта хонадонга кириб, беморларга ёрдам кўрсатди. Институт раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳа давом этмоқда.

БУЮК АДИБ ЮБИЛЕЙИГА МУНОСИБ ТУҲФА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Фильмдаги бош қаҳрамон — Асал ролига Қирғизистон академик театри актрисаси Мадина Талипбек тақриф этилган. Шунингдек, Хадича ролини ҳам қирғиз актрисаси Элина Абай қизи ижро этмоқда. — Менинг назаримда Асал шарқ адабиятининг ўзига хос тинсолидир, — дейди Мадина Талипбек. — Кино олиниши муносабати билан бу қиссани қайта-қайта ўқиб, ўзим учун кўплаб фалсафий топилмаларни кашф этдим. Асал тинсолида муҳаббат, садоқат ва фидоийлик туйғуларини, шарқ адабиятининг ички дунёси, ҳаёт синовлари олдидики қалбнинг энг мураккаб

ва нозик кечинмаларини қайта таҳлил этдим. Бу менинг орзумдаги образ. Ўзбек киноиндустрияси ушбу ролга тақлиф қилишгандан гоё бахтиёрман. Қирғизистонда Тошкент киномактабига жуда юқори баҳо берилди. Шундай мактаб вакиллари сафида ижод қилиш имкониятига эга бўлганимдан фахрланаман. Фильм Наманган шаҳрининг "Озод" маҳалласидаги хонадонлардан бирида, шунингдек, вилоят маркази туғруқхона мажмуаси, Янгиқўрғон тумани қишлоқлари, Чуст туманининг Гова қишлоғида ҳам суратга олинди. — Суратга олишнинг ташкилий масалаларида

қийинчиликлар бўлмади, — дейди картина директори Иброҳим Саиджабборов. — Сабаби, вилоят ҳокимлиги томонидан барча шароит яратиб берилди. Катта гуруҳ билан жойдан-жойга кўчишда ички ишлар ходимлари ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлади, шифокорлар саломатлигинимизни назоратла олиб, зарур ҳолларда шовилчин тиббий ёрдам курсатишга шай ҳолда ҳамма биз билан бирга бўлди. Қолаверса, кўплаб ташкилотлар, маҳаллий аҳоли ҳам қўлидан келган ёрдамни аямди. — Бу лойиҳа юртимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг турли қирраларини ўзда мужассам этгани

билан аҳамиятлидир, — дейди "Ўзбекино" миллий агентлиги Наманган вилояти бўлими раҳбари К.Сотиволдиев. — Биринчидан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида маданий алоқаларини тиклаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, буюк адибнинг ижоди китобхонликни тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, шунингдек, кино санъатининг ривожланишида ижодий ҳамкорликни янги босқинга олиб чиқди. Фильмнинг премьерасини 2018 йил декабр ойида ўтказиш режалаштирилган.

Ақромжон САТТОРОВ,  
ЎЗА муҳбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:  
ЎРГАНИШДАН  
ЎЗГАРИШ САРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш, қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳияти ва маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган танлов жорий йилдан бошлаб уч ёш тоифасида ўтказилмоқда. Унда қатнашиш истагини билдирганлар сони 720 мингдан ошди. Билимлар баҳсини юқори савияда ўтиши учун ҳудудларда энг замонавий ва кўркам бинолар — олий ўқув юрталари, ахборот ресурслари марказлари, касб-ҳунар коллежлари танланди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар, фан арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъатлари шакллантирилди. Бу йилги танлов давомида аллоамалар меросини қучур ўрганганлар учун алоҳида номинациялар ҳам таъсис этилган. Иштирокчиларга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Берақ сингари буюк мутафаккирлар ижоди ва фаложияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алпомиш", "Гуруғли", "Кунтуғмиш" каби халқ достонлари юзасидан саволлар берилди. Кеча туман ва шаҳарлардаги тўртта секторлар раҳбарлари, ёшлар масаласига масъул мутасаддилар, тижорат банклари

JARAYON  
ИШСИЗЛАРГА ЕР БЕРИЛЯПТИ

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши томонидан "Ҳар бир фермерга бир ёш" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу кеча-кундузда у Фарғона вилоятида баравж амалга оширилмоқда.



ЗУҲРИДИН АБДУСАТТОРОВ

Лойиҳа доирасида ишсиз ёшларни фермер ҳўжаликларига бирик- тириш, уларга мавсумий экин экиш учун ер ажратиш ҳамда мазкур тизимнинг мунтазамлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун ҳудудий штаблар ташкил этилди. Соҳа мутахассислари йигит-қизларга маҳорат сабоқларини бермоқда. Яқинда Ришон туманидаги "Ихтиёр СМИТ" фермер ҳўжалиги дала шийпонидида ўқув семинари ўтказилди. Ёшларга ерни экин экишга тайёрлаш, уруғликни тўғри танлаш, агротехника ишларини бажариш ва ҳашаротиқлар қарши курашиш юзасидан билим ва тавсиялар берилди. Шу билан бирга, вилоят прокурори Садриддин Турдиев ҳамда туман ҳокими Таваккал Раҳимов йигит-қизларнинг муаммо ва тақлифларини тинглади. Семинар якунида мезбон фермер ҳўжалиги томонидан Ришонлик Абдураҳмон Исоқовга такрорий экин экиш учун бир гектар ер майдони ажратилгани маълум қилинди.

ТА'ЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ  
ЯНГИ ЙЎНАЛИШ АЙНИ МУДДАО

Зилола ЗУФАРОВА,  
Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш борасидаги долзарб вазифалар белгиланган. Утган давр мобайнида бу йўналишда қилинган ишлар натижасида мамлакатимизнинг молиявий тармоғи, хусусан, суғурта ва лизинг хизматлари ривожланди. Соҳада инновацион

маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга катта эътибор қаратилган бир пайтда бундай ташаббуснинг амалга оширилгани айна муддаоидир. Чунки фермерлар экинлар парваришида янги тажрибаларни қўллаб кўради. Натига яши бўлса, нур устига нур. Акс ҳолда, чўв тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Экин суғурталанса, инновацион гояларни бемалол синодан ўтказиш мумкин. Суғурта иши йўналишида ўқиган ёш кадрлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини суғурталаш хизмати ривожига ўз улушини қўшади.

Малакали кадрларни тайёрлаш учун университетда суғурта лабораторияси ҳам очилди. У "GROSS Insurans" суғурта компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган бўлиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айна пайтда инновацион ўзгаришлар орқали иқлимий ҳавфларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган "Klim Alez", "GROSS Insurans", IAMO (Германия) компаниялари, Лейбниц номидаги аграр тарққит институтини билан ҳамкорликда талабаларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билимларини ошириш учун йилдан-яни лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ўқитиш тизимида жорий этилаётган янги педтехнологиялар келгусида ижобий самарасини бериши, шубҳасиз.

Жавлон ВАФОВ

## Зоминда жейш урди илҳом бўлди...

Шоаи ОТАМУРОД

Ёлғизоёқ йўлдан тоғ чўққиси томон одимлаётган одамни машаққатлар қаршилади. Зеро, чўққини забт этиш мушкул вазифа. Ижодкор ҳаёти ҳам ана шу сўқмоққа ўхшайди. Собит қадам босиб, олға ҳаракатланиши учун эса, унга бироз эътибор, рағбат керак.

бораман, — дейди Хоразм вилоятидан келган Зумрад Машарипова. — Айниқса, “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида чоп этилаётган асарларнинг сифат, савияси ўсаётганидан хурсандман. Мени Зомин табиати ҳайратлантирди. Ҳаёлан янги мавзулар топиб, ижодий режа тузим.

Дарҳақиқат, ижодкорлар билан яқиндан танишув ёшларни илҳомлантирди. Улар чўққига ёлғизоёқ йўлдан чиқиб борса-да, ўзларига елкадош, мададор инсонлар борлигини дилдан ҳис этди. Ўз ўрнида устозлар ёш қаламкашларнинг шижоати, интилишидан қувонди. Кўнгилаги умид шуъласи янада ёрқинлашди.

— Бу анжуман ижодкор авлодлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлади. Катта авлод ижодкорларига ёш авлод вакиллари билан учрашув ўзгача маъно бахш этишини яхши ҳис этаман, — дейди шоир Эшқобил Шукур. — Иштирокчилар тимсолида катта шоирлар, адибларни кўрдим. Хусусан, шеърят йўналишида қатнашган Сўҳроб Зиё (Қашқадарё), Моҳиғу Жабборов (Сирдарё), Алишер Сафиев (Самарқанд), Малина Норчаева (Қашқадарё) каби ёшлар ижоди менда катта

кўлэма муаллифларига керакли йўл-йўриқ кўрсатилди.

Юртимизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун бир қанча ишлар қилинмоқда. Жумладан, турли йўналишдаги тўғрақлар фаолиятини ривожлантиришмоқда. Анжуманда Ғаллаорол туманидаги “Қақнус” тўғраги эътироф этилди. Тузимма раҳбари Бекназар Қоражонов ёш бўлса-да, ҳавас қилса арзигулик ташаббусларга қўл ураётгани таъкилланди.

— Ўтган йили ўшбу анжуман иштирокчиси сифатида катта таассурот билан қайтганим, — дейди Б.Қоражонов. — Яхши ниятни дилимга туғиб қўйган эдим, мана, ўқувчим Мухаббат Исмаилова семи-

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ибройим Юсупов, Мухаммад Юсуфбек забардаст ижодкорлар етишиб чиқишини хоҳлардим. Зомин семинари ҳаётингизда қанчалик муҳим из қолдирганини бир умр эслаб юрсангиз дейман.

Оқшомда ташкил этилган мушоира шеърят ихлосмандларига чексиз завқ бағишлади, илҳомини жўштириб юборди. Буни қарангли, юлдузлар ҳам шеър тинглаб масрур бўлгандек, кўкда ўзгача жилва қиларди.

Семинарнинг иккинчи кунини 80 нафар иштирокчи учун ижодий машғулотлар бошланди. Адабий жанрлар бўйича ташкил этилган шўбаларда Анвар Обиджон, Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Энаҳон Сид-



диқова, Кенесбой Каримов, Эшқобил Шукур, Гавҳар Ибодуллоева, Зуфия Мунинова ва Фарид Афруз каби элимизнинг суюкли шоирлари, шунингдек, Назар Эшонқул, Абулқосим Мамаரசуллов, Исакжон Султон ва Луқмон Бурixon маҳорат дарсларини ўтади.

Машғулотлар давомида шоирлар устозлари билан кизгин баҳс-мунозаралар қилинди. Ёшларнинг ижод намуналари таҳлил этилди. Сўз билан ишшлаш, бадиий тафаккур ҳақида фикр алмашилди. Пишиқ-пухта асарлар эътироф этилди, бироз камчилиги бор

нара фаоллик кўрсатди. Бир неча ўқувчим Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси асосида сахна кўринишини намойиш этди. Тўғрагимизни янада жонлантириш борасида устозлардан жуъай маслаҳатлар ҳам олдим.

Семинарда Ҳамид Олимжон ва Зуфия Олимжон ва Зуфия Олимжоннинг бир гуруҳ ўқувчилари кузатувчи сифатида қатнашди. Шу аснода улар адабиётнинг сарҳадсиз уммонига яна бир бор шўнганганек бўлди.

— Ёшларнинг ижодини қизиқиш билан кузатиб

таассурот, қизиқиш ва умид уйғотди. Ёшларга адабиётга, ижодга муносабат ўлғайди. Бугунги семинар сабаб улар узаро дўст, яқин ҳамоҳўк бўла олгани аҳамиятли.

Ҳа, бўлажақ ижодкорларни парвозга қорлаган, уларга умид ва ишонч берган семинарда бу йил ҳам кўплаб истеъодлар қамқатилди. Зомин тоғи ҳамда шаршарасига уюштирилган саёҳат эса, уларни машаққатли йўл сари шаҳдам қадам босишга, мазмунли бўлоқ сувидек тиниқ ва фойдали асарлар битишга ундади.

камчиликларни бартараф этиш йўлида кўплаб режалар ишлар амалга оширилган пайтда, кимсан, қонун ҳимоячиси кўрсатган “хўнар” ни қандай баҳолаш керак?!

Тирикчилик кўйида йироқларга кетмасин, номусли бўкилиб, ҳар хил касалар томонидан таҳдирланмасин, деб давлатимиз аёлларни тадбиркорликка жалб қилмоқда, шу мақсадда имтиёзли кредитлар бермоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган аёлларга психологик ва моддий ёрдам кўрсатиб, уларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларга қўмаклашиш масаласи кўйилди. Ўз қасбини фидойисига бўлган хотин-қизлар учун “Муътабар аёл” қўрақ нишонини таъсис этилди. Кам таъминланган, боқувчиси йўқотган, уй-жойга муҳтож оналарга арзон уйлари қуриб бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Миллатимизга иснод келтирадиган юқоридagi ҳолатларнинг вақтида олди олинishi зарур. Токи бундай оғриқлар такрорланмасин. Жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга беписандлик, давлат сиёсатида зид хатти-ҳаракатлар асло кечирилмайди. Зотан, аёлни улуғлаш миллатни улуғлаш, аёлни таҳқирлаш миллатни таҳқирлаш билан баробар!

## ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Сардор БЕКЖОНОВ

## 3,5 МИНГ КИШИ ЖАМ БЎЛДИ

Андижон вилояти ҳокими Шўҳрат Абдураҳмонов ёшлар билан кенг доирадаги мулоқотга киришди



“Ҳоким ва ёшлар” учрашувида вилоятнинг барча туману шаҳарларидан таклиф этилган, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги 3 минг 500 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Ш.Абдураҳмонов уларнинг муаммолари, фикр-мулоҳазалар ва таклифларини тинглади. Мулоқот жараёнида 2018 йил 27 июнда Президентимиз фармони билан тасдиқланган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури, мазкур ҳужжатнинг мақсади ва қилиниши кўзда тутилган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир якунида андижонлик ёшларнинг муаммоларини тезкор ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.



## ISLOHOT ODIMLARI

## НАРХ-НАВО НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Нозима МИЯССАРОВА

Ҳамқасбим Камола опа неча кунки уйига шошади. Ҳаёли жойида эмас. Айтишча, отаси қандали диабет касалига чалинган, керакли дорилар қишлоқда топилмагани боис, пойтахтдан жўнатишга мажбур. Орадан бироз вақт ўтган, ҳамқасбимдан отасининг аҳволини сурадим. У эса, қувонч билан энди дори-дармонлар бепул берилаётганини айтди...

Бугун халқни рози қилиш, одамларнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади айланди. Шу аснода табиёт, хусусан

фармацевтика соҳаларини ривожлантиришга ҳам кенг эътибор қаратилаётди. Охириги икки йил мобайнида дори воситалари ва тиббий буюмларни арзонлаштириш, уларнинг эркин савдосидаги чекловларни бартараф этишга қаратилган ўндан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Президентимизнинг 2018 йил 14 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Иссиқ жон борки, касал

бўлиши мумкин. Табиийки, бунда шифокорга эҳтиж сезамиз. Аммо аксарият дори-дармонларнинг нархи юқориликча қолмоқда. Қарорда мазкур масала алоҳида эътиборга олиниб, вазиятни ўзгартириш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланган.

— Жорий йил аввалидан юртимизда 150 та корхона томонидан 2 минг 476 номдаги дори воситаси ва тиббий буюм ишлаб чиқарилади, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари Нозим Бердиев. — Натijaда нарх-навонинг бирмунча пасайишига эришдик. Масалан, биринчи чоракда дорилар ўтган йилгига қараганда 30 фоизга арзонлашди.

Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, вилоят ва туман марказларидаги оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида икки мингдан ортиқ ижтимоий дорихона ишга туширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар улардаги дори-дармонларни имтиёзли нархда сотиб олиши мумкин. Айрим тоифадаги шахсларга эса, керакли препаратлар бепул тақдим этилади.

Яна бир муҳим маълумот: эндиликда даволаш-профилактика муассасаларини зарурий дори-дармон ва тиббий буюмлар билан керакли миқдорда таъминлаш учун давлат бюджетидан 362 миллиард сўм ажратилди. Айтиш кераклики, янги вақтда республикамизнинг олис ва тоғли ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига 130 та махсус ихтисослаштирилган автотранспорт орқали дори-дармонлари ва тиббий буюмлар етказиб берилмоқда.

## ЁШЛАР БИЛАН ҳамқадам нашр

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши муассислигида чоп этиладиган “Бухоро ёшлари” газетаси креатив дизайни, ранг-баранг саҳифалари билан муштарийлар қалбидан жой олмоқда



Гулнора САМИЕВА, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Замон билан ҳамнафас, ёш авлод таълим-тарбиясига хизмат қилаётган “Бухоро ёшлари” газетаси фарзандларимиз қизиқишлари, муаммо ва ташвишларига бефарқ бўлма, уларнинг чин маънода елкадошига айланди.

Урни келганда газетанинг тарихига назар солсак, “Бухоро ёшлари”нинг нишонасони 2001 йилдан чоп этилган. Шу кунгача у залворли даврларни ортада қолдирди. Турли тўсиқ ва довлонлардан ўтишга тўғри келди. Синобли йиллар таҳририят хоҳилларини ҳамжihat бўлиб ишлашга ургатди.

Нашрнинг ёшлар орасидаги нуфузини оширишда таҳририят қошида ташкил этилган “Парвоз” ёш журналистлар клуби аъзолари ҳам беминнат ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозир мазкур клуб вилоятда ёшлар билан ишлайдиган энг илғор тузимлардан бири саналади. “Парвоз”чилар турли тадбирлар, халқаро фестивалларни тезкор тарзда ёритишда жонбозлик кўрсатиб, чет эллик сайёҳлар билан эркин мулоқот қилган ҳолда, газета учун нафақат ўзбек, балки инглиз ва рус тилларида ҳам материаллар тайёрлапти.

“Бухоро ёшлари” газетаси қатор йиллардан буён ижодий танловларда пешқадамликни қўлдан бой бермай келмоқда. “Жамият ва мен”, “Сув — бу ҳаёт!”, “Қадриятлар бешигисан, Ватаним!” курик-танловлари шулар жумласидан. Шунингдек, 2017 йилда таҳририят Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган “Эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида камарбаста бўлайди!” грант

лоийҳасини муваффақиятли амалга оширди.

Бир сўз билан айтганда, “Бухоро ёшлари” ёш ижодкорларга қанот бўлаётди. Нашрнинг саҳифаларида чоп этилаётган болажонларнинг бегубор, самимий шеърларини ўқиб, завқланаман. Албатта, уларнинг ижодий асарлари ҳали маромига етган эмас. Шунга қарамай, газета ана шундай иқтидор соҳибларини юзага чиқариш, маҳоратини сайқал топтириш учун ўзига хос мактаб бўлаётганининг ўзи муҳим. Бу нашр эълон қилаётган материалларнинг барчаси халқчил — танқид ҳам, мактов ҳам, ибрат ҳам жой-жойида! “Мозийдан садо”, “Мурожатлар эътиборда”, “Диспут”, “Оғриқли нуқта”, “Фотоқармоқ”, “Сенинг тенгдошинг”, “Муносабат”, “Болажон-планета” каби рунқлар остида берилаётган “Аравасин тортман раҳбар...”, “Очик, аммо ачқик”, “Нексия” минган болажор”, “Ҳайинҳонадаги уйинлар”, “Одноклассники, адалаксники?”, “Кўчада қолган болалик”, “Эгасиз ўтаётган тўйлар”, “18 ёшли “богча болалари”, “Хорижга кетган оталар” каби мақолалар ёшлар қалбидан жой олиб, газетанинг янада ўқишли бўлишига хизмат қилди.

“Бухоро ёшлари”дан яна кўплаб қизиқарли, мазмундор чиқишлар кутиб қоламиз.



ADABIYOTGA E'TIBOR — MA'NAVIYATGA, KELAJAKKA E'TIBOR

ADABIYOTGA E'TIBOR — MA'NAVIYATGA, KELAJAKKA E'TIBOR

## MUNOSABAT

## АЁЛ ОРИ — МИЛЛАТ ОРИ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Сора холамиз оламан ўтади. Барча расм-русумлар бажарилади. Ювғунча қарашгани кирган Гулнора опанинг йиғлаб: “Раҳматини жуза утчатин, орияти кучли аёл эди. Овинтириш учун кийимларини ечдик. Шу топда ҳайратдан доғ қотдим. Шўриқ қўллари билан авратини беркитса-я!” — дегани кечганидек қўлогимда жаранглайди. Бу гапни эшитган азахонадагиларнинг кўнгли баттар вайрон бўлди. Ўзбек аёлининг танасидан жонни чиқса ҳам ори номусли, ибод-ҳаёси тарк этмаганига тан бермай илоҳ йўқ.

Шифохонада келинимизнинг кўзи ёриши эркак доя навбатчилигига тўғри келди. Кучли дардан зўриқиб инқиллайди. Каравот поясини маҳкам чангаллайди. Оғриқ зўридан юзларидан реза-реза тер, фараҳ чекади. Ҳадеганда бола туғилвермади. Лекин келин эркак доя ёрдамини кескин рад этди. “Ўргилайин-а, — дейман унга ичим ачиб, — Узи икки йўлни ўртасида нима аҳволда турибди-ю... Барибир, бизнинг аёллар учун ор-номус олий қадрият-да!”

Ҳа, бу мутлақ ҳақиқат эътироф. Халқимиз аёлларини охирагача деб турли бало-қазолардан, оғир юмушлардан асраган. Ҳатто челақлар кўчага чиқариб қўйилган, ўтган эркак уни сувга тўлатиб жойига қўйган. Келинлари ҳоми-

ладорлар бемаҳал кўчага чиқарилмаган, туққан аёллар чиллага солинган. Буюк Манғуберди ҳеч илоҳ қолмаган онда ҳам аёлларини кейи қўлга бермаган.

Лекин жамиятимиздаги айрим нохуш ҳолатлар, аёлларга бўлган беҳурматликлар ҳақида эшитиб, ёқа ушлаймиш. Ижтимоий тармоқларда шов-шув бўлган Каттакўрғон тумани ички ишлар бўлими ходими Санъат Умаровнинг аёл кишига бўлган кечирилмас хатти-ҳаракати кенг жамоатчилиқнинг нафратига сабаб бўлди. Аёл ўғирлик қилинган, қонунда белгиланган жазо бор. Лекин қонун, виждон чегарасидан чиқиб, уни ҳўрлашга ҳеч кимнинг ҳақиқи йўқ! Бу “қонун ҳимоячиси” эса, ўзинча жазо “кашф қилиб”, куппа-кундузи аёлни ҳақоратлаб, ички ишлар



маҳкамасида қип-яланғоч бўлишга ва идорани айланганда шов-шув қилган. Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида аёлларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Республикамизда хотин-қизлар ҳаётидаги бир қатор тизимли муаммо ва

## MULOHAZA

## “OTA KO'RDI” DAN KIM NAF KO'RADI?

Qo'shningiz qarz so'rab chiqibdi, chamalab ko'rsak, bir sog'in sigirning puli.

— Nima qilasan shuncha pulni? Mashinaga yetmay qoldimi? — dedi dadam piching qilib.

— Singlimning uyiga “Ota ko'rdi”ga bormoqchi edik. Shunga zarur bo'lib qoldi. Mardikorlikka chiqib to'rt-besh so'm ishlagach, darrov qaytaraman. Yo'q demang, aka!

— Mayli, beraman. Lekin kuyov bola yaxshi joyda ishlaydi, deb eshitgandim. Uyat bo'ladi, demadimi? “Ota ko'rdi” shuncha pulga tushsa, odamlar qarzga botib ketadi-ku. To'yingning “Uy ko'rar”, “Sep taxlar”, “To'qqiz tovoq”, “Qiz oshi”, “Baqon tutish”, “Yuz ochdi”, “Charlar” kabi marosimlari hammaning tinkasini quritdi. Qiz chiqarganga qirq yil teginma, degani bejiz emas ekan-da!

Dadam qishlog'imizdagi Qo'chqor aka qiz chiqaraman, deb olgan qarzini haliyam uzolmay yurganini ham aytdi. Men esa, “Ota ko'rdi”ning asl ma'nosini bilishga qiziqdim. Turmush tashvishlari qanchalik

og'irligini anglagan ajdodlarimiz yosh oilaning suyanchi bo'lish uchun turli udumlar o'ylab topgan bo'lsa kerak. Aytaylik, olis hududlarda sog'in sigir berish odati uchraydi. Buning zamirida, birinchi navbatda, yosh oilani qo'llab-quvvatlash maqsadi yotibdi. Sababi sigir sut beradi, yil o'tib o'zidan ko'payadi. Harqalay, tug'ilagach farzandlar och qolmasligi aniq.

Ortiqcha chiranish belni sindirar, degan gap ham to'g'ri aytilgan. To'y arafasidagi marosimlarni eslaylik: “Maslahat oshi”, “Sabzi to'g'rar”, “Kelin yashirar”, “To'sh talashar”, “It irillar”, “Chiroq aylantirar”, “Kampir o'ldi”, “Kampir tush ko'rdi”, “Soch

siypatar”, “Oyna ko'rsatar”, “Qo'l qisar”, “To'shak to'ldirar”, “Un oshar” va hokazo. Ertasi kuniga esa, yana “Bet ochar”, “Kelin salom” o'tkaziladi. Eh-he, bu ketishda oila byudjeti kasodga uchraydi-ku! Ayniqsa, to'rt-besh nafar qiz o'stirayotgan ota-onaning ularni uzatguncha qora qozonni suvga bosib qo'yishdan o'zga iloji yo'q. Sho'rliklar dardini kimga ham aytsin...

— Bugungi kunda “Ota ko'rdi” marosimi ancha dabdabali o'tkazilyapti, — deydi paxtachilik Ro'zimurod bobo Bozorov. — Marosimiga kamida ellik kishi chaqiriladi. Tag'in mehmonlar o'zi bilan birga sov'g'a-salom sifatida ro'zg'orda asqatadigan turli maishiy texnika buyumlarini ko'tarib keladi. Shohona dasturxon yozishlari-chi. Xomcho't qilib ko'rsila, tahminan 10 million so'mgacha xarajat qilish kerak. Bitta marosim uchun bu juda ham ko'p. O'zi to'y qilib, qarzga botgan odamga xarajat ustiga xarajat qilish nima zarur?! Undan ko'ra mablag'ni tejab, boshqa xayrli ishga yo'naltirish

## Elinur JUMABOEVA

— O'n to'rtga to'ldim. Onam mendan ko'ra ukamga ko'proq mehr ko'rsatib, e'tibor qaratayotgandek tuyulaveradi. Onamni yomon ko'rib, o'zimni uyda ortiqchadek sezaman. Lekin ba'zan buning uchun o'zimni aybdor ham his qilaman. Aytinch, bu holatdan qanday qilib chiqib ketishim mumkin?

Samir OQILOV  
Pastdarg'om tumani

## PSIXOLOG MASLAHATI

— O'n to'rtga to'ldim. Onam mendan ko'ra ukamga ko'proq mehr ko'rsatib, e'tibor qaratayotgandek tuyulaveradi. Onamni yomon ko'rib, o'zimni uyda ortiqchadek sezaman. Lekin ba'zan buning uchun o'zimni aybdor ham his qilaman. Aytinch, bu holatdan qanday qilib chiqib ketishim mumkin?

Samir OQILOV  
Pastdarg'om tumani



Savolga amaliyotchi psixolog  
Luqmon KAZAKOV javob beradi:

— Rashk inson xarakteriga xos xususiyat. U me'yorda bo'lsa zarar qilmaydi. Aks holda, oila a'zolariga nisbatan

nafrat va agressiv kayfiyat savol muallifida umrbod saqlanib qolishi mumkin. O'n olti yoshgacha vaziyatni o'nglashga imkon bor. Ko'p narsa otaning harakatlariga bog'liq. Avvalo, farzandlarga e'tiborni

## MENING FIKRIM

ASSALOMU ALAYKUM,  
BOBO TOG'!

Sherzod EGAMBERDIEV

odamlarga negadir salom bermay qo'ydik, hisob. Boshqa tomondan, salomingga alik olmay o'tib ketadiganlar ham bor. Ular: “Yoshlarning tarbiyasi buzilyapti”, — deya nolish o'rniga o'zlarini tarbiyalab qo'ysa, yaxshi bo'lardi.

Assalomu alaykum “sizga salomatlik tilayman”, degan ma'noni anglatadi. Boshqa xalqlar salomida ham shunga yaqin ma'noni uqish mumkin. Tibetliklar bir-biri bilan ko'rishayotganda tilini ko'rsatadi. Bu “sizga zahmat yetkazmayman, menda buning uchun tilimdan boshqa hech qanday qurol yo'q”, degani ekan.

Malayziyaliklar esa: “Qayoqqa ketyapsan?” qabilidagi so'roq mazmunida salomlashadi. Alik olayotgan odam odatga ko'ra “Sayrga”, deb javob berishi lozim.

Qaysi tilda bo'lmasin, salom zamirida yaxshi tilak yotadi. Shunday ekan, bir-birimizga ochiq chehra bilan yuzlanib, hol so'rmoqni kanda qilmaylik.

## BILASIZMI?

O'zbekistonda 17 ta erkin iqtisodiy zona mavjud. Shundan yettitasi farmatsevtika sohasiga ixtisoslashgan. O'n yettinchi — “Buxoro-agro” erkin iqtisodiy zonasini tashkil etish to'g'risidagi Prezident qarori joriy yilning 10-iyulida qabul qilindi.



## DIQQAT, E'LON!


“Trade consult service” MCHJ tomonidan “Yoshlar ovozi” gazetasining 2018-yil 14-iyundagi 70-sonida chop etilgan reklama e'lonidagi lot: 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/501ECA, boshlang'ich bahosi 9 079 000 so'm bo'lgan “Nexia” tashkilot tomonidan auktsion savdolaridan chiqarib yuborilishini ma'lum qilamiz.

Qo'shimcha ma'lumotlarni Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uy manzilida yoki +998 95 169 55 50 telefon raqami orqali olishingiz mumkin. Guvohnoma № 011315.

## KITOB JAVONINGIZGA

## HIKMAT BUVANING HAYOTGA QAYTISHI

Keçki soat 21:15. Telefon jiringlab qoldi. Kichik singlim Asila ekan. Uyga qaytayotganda kitob olib kelishimni iltimos qildi. Ertaklar to'plamini olmoqchi bo'lib kitob do'konlarini aylandim. Bahonada o'zim uchun mashhur adibimiz Abdulla Qahhorning “Dumli odamlar” hikoyalar to'plamini xarid qildim. Kitobni varaqlayman. Shoir Erkin Vohidovning: *Inson bilan tinkir inson, Muhabbatdan hayotning boshi. Odamzodga baxsh etadi jon, Odamlarning mehr quyoshi, she'ri bilan boshlanuvchi “Mahalla” hikoyasi e'tiborimni tordidi. Asarda inson hayotida*




mahallaning o'imi va ahamiyati qiziqarli voqealar orqali ochib berilgan. Rohat buvining vafotidan so'ng chuqur qayg'u borgan, hayotidan mazmun

arigan Hikmat buvani o'zini o'nglab olishi, yashashga bo'lgan ishtiyogining qaytishiga mahalla ahli ko'maklashadi. Hikoya syujetida mehr-oqibat mavzusi ham ustuvorlik kasb etgan. Otasining g'amga botganiga chidolmagan o'g'il uni uyda yolg'iz qolmasligi uchun shahar aylantiradi. Boboning nevaralari ham atrofida girdikapalak. Ammo uydagi har bir narsa ellik uch yil bir yostiqaq bosh qo'ib, turmushning achchiq-chuchugini birga tolgan kampirini eslataveradi. Ellik uch yil! Oz vaqt emas. Kutilmagan mahalla ishlariga berilib ketib, halovatini butkul unitib qo'tgan Hikmat

buva mozordan o'zi uchun olib qo'rgan joyni qabriston ma'muriyatiga qaytib topshiradi. Bunday o'zgarishlar o'z-o'zidan yuz bergani yo'q. Mahalla tomonidan tashkilotchilik ishiga jalb qilingan otaxon yana hayotga qaytdi. Hikmat bobo rafiqasi o'limidan kuyunib yashasa, uning ruhini bezovta qilib qo'yishini bildi. Inson umrining mazmuni ortda qoldirilgan yillar emas, qilgan savobli amallari bilan belgilanishi hikoyada yaqqol tasvirlangan. Aziz kitobxon, siz ham vaqt topib ushbu asar mutolaasidan bahramand bo'lasiz, degan umiddamiz.

## “JAHON OLIY O'QUV YURTLARI” BILIMDONLIK MASHQLARI



**KROSSVORD. Belgilangan xonadan soat mili yo'nalishida raqam atrofiga:** 1. Kembrij shahrida dastlab kollej sifatida tashkil etilgan, ingliz vaziri, san'at bakalavri nomi bilan ataluvchi oliy o'quv yurti. 3. Ma'rifatparvar olim V.N. Karazin tashabbusi bilan XIX asr boshida Ukrainada tashkil topgan oliy ilmgoh. 5. O'zbekistonda masofali o'qishni amalga oshiruvchi jam'arma. 7. Turkiyadagi eng nufuzli oliy o'quv yurti. 9. 1970-yil Serbiya Respublikasida tashkil etilgan universitet. 12. Litvadagi eng yirik va ko'hna oliy ta'lim muassasi. 13. O'ra Osivoda eng birinchi universitet tashkil etilgan shahar. 14. Hindistondagi “Hindu kolledj” negizida asos solingan ko'hna va yirik oliy ilmgoh. 15. Nyu-Yorkda joylashgan, Janubiy Amerikadagi davlat nomi bilan ataluvchi, Kings (Qirollik) kolleji bazasida faoliyati yo'lga qo'yilgan ilmgoh. 18. Yevropada birinchi dunyoviy tibbiyot maktabi bilan mashhur bo'lgan shahar nomi bilan ataluvchi Italiyadagi universitet. 19. XVI asr oxirida Sloveniyada faoliyatini boshlagan oliy o'quv yurti. 20. O'z davrida R. Bekon, T. Mor, A. Smit kabi olimlar dars bergan Buyuk Britaniyadagi ilmgoh. 21. Polshadagi yirik oliy o'quv yurti va ilmiy markaz

nomi. 23. Vengriyadagi eng yirik universitet. 25. Rossiya Federatsiyasining Toshkentda filiali faoliyat ko'rsatayotgan mashhur rus olimi nomi bilan ataluvchi oliy ilmgohi. 27. 1930-yili yurtimizda tashkil etilgan tibbiyot instituti

joylashgan shahar. 29. Avstraliya Ittifoqidagi eng yirik oliy o'quv yurtlaridan biri. **Eniga:** 2. Avstriyada 1365-yili tashkil etilgan oliy ta'lim muassasi. 4. Yaponiyadagi yetakchi va qadimiy milliy

universitet. 6. Estoniyadagi yirik oliy o'quv yurti. 8. Bilimni sinash usullaridan biri. 22. Latviyadagi texnika universiteti. 24. Yaponiyada Suxeyko, Kayseygo va Igakuso o'quv yurtlarining birlashuvi natijasida tashkil

topgan milliy universitet. 26. Italiyadagi oliy o'quv dargohi. 28. Afrika qit'asidagi ilk musulmon universitetlari tashkil etilgan mamlakat. **Bo'yiga:** 10. Germaniyadagi Yevropaning qadimiy universitetlaridan biri.

11. Jahonda eng qadimiy hisoblanuvchi Bolonya universiteti joylashgan mamlakat. 16. Polshada 1364-yili Buyuk Kazimir tomonidan asos solingan oliy ta'lim muassasi. 17. Tabiatshunos K. Linney, astronom va fizik A. Selsiy dars bergan Shvetsiyadagi oliy ta'lim dargohi.

**MUAMMONOMA. Avval quyida ta'rifi bilan raqamlarda ifodalangan kalit so'zlarni toping.**

1. Vatandoshimiz, buyuk matematik, qomusiy alloma — 1, 18, 11, 8, 3, 1, 12, 4, 2, 16.  
2. Tabobat ilmining olamga taniqli bobokaloni, Buxoroning Afshona qishlog'lik qomusiy ilm sohibi — 2, 7, 5, 10, 2, 5, 8.  
3. Hikmatdan: “Xotira aziz, 17, 1, 15, 3 muqaddas”.  
4. Eng yuqori baho — 1, 13, 18, 8.  
5. Ajdodlardan avlodlarga qolgan mulk — 4, 9, 3, 8, 10, 6.  
6. Faoliyat natijasi — 16, 1, 14, 6, 5.  
7. Shaklning ichki qismidagi raqamlarda yashiringan muammonomani kalit so'zlar javoblari asosida hal etish orqali O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I. Karimov farmoni bilan vatanimizda o'z faoliyatini qayta boshlagan o'ra asrga mansub ilm dargohi va uning fidoiylari nomini bilib olishga muvaffaq bo'lasiz.

Tuzuvchi: Foziljon O'RIPOV.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2017 yil 2 avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.



Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

## TAHRIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov,  
Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev,  
Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina —  
mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

## Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid  
O'ktamjonovich  
Norboyev Jamoliddin  
Jumanazar o'g'li

## Navbatchi

Boboravshan G'oziddinov

«YOSHLAR OVOZI» dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirish shart.

1 belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (fax)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida.  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indexlar: 203, 3203  
Baxosi kelishgan narxda.

Buyurtma G-736  
Adadi — 12950

Bosilgacha topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 02.50